

Шоядки такводор бўлсаларингиз (Ўттизинчи қисм)

Муаллиф:

08.08.2013 14:04 - Янгиланди 30.06.2017 23:11

Normal 0 false false false MicrosoftInternetExplorer4

Шоядки, такводор бўлсаларингиз

Ўттизинчи қисм

«Албатта, такводорларга ютук бордир». (*Набаъ сураси, 31-оят*)

Яъни киёмат коим бўлиб, кофир ва осийлар халокатга, азоб-укубатга дучор бўлган ўша кунда мўмин, такводор бандаларга ютук бордир.

«Бас, унга фужурини ва таквосини билдирди». (*Шамс сураси, 8-оят*)

Яъни Аллох таоло инсон нафсини беками-кўст килиб яратган бўлишига карамай, унга, унинг нафсига фужур йўли нима-ю, такво йўли нима эканини баён килиб ҳам берди: яхши нима– ёмон нима, иймон нима – куфр нима. савоб нима – гуноҳ нима, хидоят нима – залолат нима – хамма-хаммасини тушунтириб берди.

«Аммо кимки (ато) берса ва такво килса...» (Лайл сураси, 5-оят)

Аллох таоло берган молу дунёдан Аллох таоло Ўзи кўрсатган жойларга сарфлаш, жумладан, мухтож кишиларга ато бериш ҳам ибодатдир. Аллох таоло кўрсатмаси бўйича пул-мол сарфлаш молиявий ибодат хисобланади. Молиявий ибодатни «садака» ҳам дейилади. Садаканинг лугатдаги маъноси «тасдиклаш»дир. Кишилар тиллари билан иймонли эканликларини даъво килаверадилар. Улар баъзи баданий-жисмоний ибодатларни ҳам килаверадилар. Аммо иймон тасдигини кўрсатиш молу дунё сарфлашга келганда билинади. Ўзидан кечиб Аллох таоло кўрсатган жойга молу дунё сарфлаган одамнинг иймони тасдикланади. Ислом бундок ибодатга ўзининг биринчи кунларидан бошлаб даъват килган. Мана шу ояти карималарда ҳам инсоннинг турли яхши ишлари каторида биринчи бўлиб молиявий ибодат зикр килинмоқда. Албатта, хар бир ибодат учун шарт бўлган такво молиявий ибодатга ҳам шартдир. Таквосиз килинган молиявий ато нотўғри бўлиши, риё, миннат ёки бошка номакбул омиллар аралашиб кетиши мумкин.

«Ва албатта, ундан такводор банда четда қоладир». (Лайл сураси, 17-оят)

Яъни иймонли, ихлосли такводор банда дўзахга кирмай, ундан четда қолади.

« Ёки таквога чакирса». (Алак сураси, 12-оят)

Яхши бўлмасмиди? Албатта, яхши бўларди. Лекин у тугёнга кетган инсон хидоятда бўлиш ўрнига, кишиларни таквога чакириш ўрнига, Аллох таолонинг суюкли бандаси намоз ўкиса, уни намоздан кайтариш пайидан бўлиб юрибди.

Парвардигор! «Албатта такводорларга ютук бор», дединг, бас нафсларимизга таквосини билдиргин. Бизларни дўзахга киритмай четда колдиргин ва атосида такво киладиган ҳамда таквога чакирадиганлардан кил.